



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMIY JURNALI



Нефть ва газ саноатини компанияларнинг молиявий барқарорлигини бошқариш

Уринбаев Равшан Захидилла ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси

Ёзишмалар учун электрон почта: urinbayevrz@gmail.com

Мақола ҳақида маълумот

Аннотация

Топширилган вақти: 26.11.2022
Қабул қилинган вақти: 29.11.2022

Таянч сўз ва иборалар: нефть, газ, саноат, инвестиция, акциядорлик жамияти, молиявий ҳисоботлар, молиявий барқарорлик.

Илмий мақолада Ўзбекистон Республикаси нефть ва газ саноатида фаолият юритувчи компаниялар молиявий барқарорлигини бошқариш жараёнлари таҳлил қилинган. Таҳлил жараёнида “Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамияти фаолияти ўрганилган. Таҳлил натижалари мамлакатимиз ёқилғи саноатига киритилган инвестициялар мамлакатимизда кейинги йилларда нафақат ёқилғи саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларини тезлаштиришга, балки мамлакатимиз ҳудудларида янгидан-янги саноат мажмуаларининг ташкил топишига, янгидан янги иш ўринларининг яратилишига ҳамда аҳоли жон бошига ёқилғи саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига катта таъсири кўрсатиб берилди.

Management of financial stability of oil and gas industry companies

Urinbaev Ravshan Zakhidilla ogli

Independent researcher of Tashkent State University of Economics

e-mail for corresponding the author: urinbayevrz@gmail.com

ARTICLE INFO

Abstract

Received: 26.11.2022
Accepted: 29.11.2022

Key words: oil, gas, industry, investment, joint stock company, financial statements, financial stability.

The scientific article analyzes the processes of managing the financial stability of companies operating in the oil and gas industry of the Republic of Uzbekistan. In the course of the analysis, the activities of the joint-stock company Uzbekneftegaz were studied. Based on the results of the analysis, it was shown that investments made in the fuel industry of our country will not only accelerate the pace of production of the fuel industry in our country in subsequent years, but also create new industrial complexes in the regions, create new jobs, change the volume of production fuel industry per capita.

Кириш

Бугун замонавий иқтисодий шароитдан келиб чиқиб барча давлатлар саноатлашув босқичини хорижий сармояларсиз тасаввур қилмаяпти. Агар 1970 йилда хорижий инвестицияларни фақатгина 85 та давлат жалб қилган ва 25 та давлат сармоя киритган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич ўзаро 230 давлат хорижий инвестиция жалб қилгани ва 150 га яқин давлатлар сармоя киритгани билан

ифодаланмоқда[1].

Жаҳонда инвестиция бозори жуда кучли рақобатга эга бўлиб, у инвесторларга нисбатан либерал, барқарор ва олдиндан башорат қилиш мумкин инвестиция тизимини таклиф қилиш орқали рақобатга киришди. Шу билан алоқадор ҳолатда замонавий шартлар асосида ўтиш иқтисодиёти ва ривожланаётган мамлакатлар турли хил рағбатлантирувчи омиллардан фойдаланади.

Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат

жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграция жараёнининг фақат давлатнинг таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллашувини назарда тутати. Эркин бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шароит Ғарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга барқарор қизиқишини уйғотмоқда. Бугунги кунда бизнинг тадбиркорларимиз ҳам хорижий инвесторларни ҳамкорликка жадал жалб этмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Хорижий сармояларни ҳаракатга келтирувчи омиллардан яна бири бу қиймат омилидир. Ундан усталик билан фойдаланиш сармоя киритаётган давлатга аҳамиятли даражада пул маблағларини тежаш имконини беради. Мисол сифатида, Хитойнинг хорижий сармояни жалб қилиш сиёсатида қўшни давлатларникидан фарқли ўлароқ ернинг қиймати нисбатан арзон ҳисобланади. Қиймат омили самарадорлиги натижасида Хитойнинг Шанчжен эркин иқтисодий ҳудудида хорижий сармоялар ҳажми 2014 йилга келиб 75% ни ташкил қилган[2].

Профессор Л.Красавинанинг фикрига кўра[3], хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишнинг омилларига: миллий корхоналар маблағини шакллантиришда иккинчи даражали манба сифатида қараш; инвестициянинг салоҳиятли инновацион характери; қабул қилувчи мамлакатда хорижий инвесторларнинг чинаккам узоқ муддатли манфаатларини вужудга келтириш ушбу мамлакатдаги инвестицион муҳитни шакллантириб, хорижий инвестицияларни жалб қилишда қўл келади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан қулай инвестиция сиёсатини олиб бориш мақсадида қуйидаги тамойилларга устувор аҳамият қаратилмоқда: ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш; республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри капитал қўйилмаларнинг кенг жалб қилинишини таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароитларни янада такомиллаштириш; юртимизга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб кирувчи, миллий хўжаликнинг замонавий тузилмасини ташкил этишга кўмаклашувчи чет эл инвесторларига нисбатан қулай шароитлар яратиш сиёсатини изчил олиб бориш; энг муҳим устувор йўналишларга маблағларни йўналтириш[4].

Ташқи сабаблар таркиби қуйидагича: жаҳон бозорига чиқиш; соғлом ва самарали рақобат муҳити; хорижий иқтисодий алоқаларнинг яхшилиги; маҳаллий ҳокимиятнинг талаблари.

Стратегик сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат[5]: мамлакатда замонавий иш юритиш усуллари билан фойдаланиш имконияти; мустаҳкам хомашё базасига эга бўлиш; технологиялар трансферти; ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, жаҳон хўжалигини ривожлантиришда халқаро капитал миграцияси муҳим аҳамиятга эга, чунки у мамлакатнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалари

мустаҳкамланишига олиб келади, уларнинг ташқи савдо айланмаларини, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиради, иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини, импортчи мамлакатлар техник салоҳиятини ўстиради ва мамлакатдаги бандликни оширади[6].

Ушбу ўринда хорижлик олимларнинг фикр-мулоҳазалари, тадқиқотларига мурожаат этадиган бўлсак, М.Портер йирик трансмиллий компаниялар ва хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатларнинг стратегияси мавжуд рақобат устунлигидан фойда кўришга асосланганини исботлади. У рақобат устунлигини тўрт йўналишга бўлади: корпоратив бошқарув устунликлари; ишлаб чиқариш омиллари устунлиги; мамлакатдаги талаб ҳажми; кўмакчи ва қўшимча тармоқларга боғлиқ устунлик[7].

Жаҳон иқтисодиёти амалиётида инвестиция сиёсатининг учта моделини ажратиш мумкин[8]. Биринчи моделни шартли равишда «америка», иккинчисини - «япон» ва учинчисини - «тайван» модели деб атаيمиз. Келтирилаётган тасниф бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасини тизимлаштиришга уринишдир. Муҳими, бу моделларнинг барчаси самарали бўлиб, ушбу илғор тажрибадан ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида муносиб инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш улчун чуқур ўрганиш зарур.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотлар натижасида банк хизматлар соҳасида янги технологиялар ривожлантириш, тижорат банкларида рақамли трансформация жараёнларини бошқариш боғлиқ ёндошувлар бўлиб, банкларда бизнес жараёнларини шакллантириш бўйича илмий ҳулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилган. Тадқиқотда абстракт фикрлаш, тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш каби методлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Глобаллашув шароитида жаҳон молия бозорининг характерли жиҳати инвестицияларнинг бир давлатдан бошқа давлатга ўтиб юриши билан ифодаланади. Шундай инвестициялардан асосийси хорижий инвестициялар ҳисобланади. Охирги ўн йил ичида миллий иқтисодиётимизда хорижий инвестициялар ҳажми 45 баробарга ошди, худди шу вақт оралиғида халқаро савдо ҳажми 25 баробар ва саноат ишлаб чиқариш 6 баробарга ошгани аҳамиятли[9].

Жаҳон инвестиция бозорида сузиб юрувчи хорижий инвестицияларни жалб қилишда қуйидаги (1-расм) уч тартибли рағбатлантирувчи чораси қўл келади, аммо кўпгина ҳолатларда инвестицияни қабул қилувчи мамлакатнинг солиқ тизими ҳам боғлиқ.

Ҳозирги вақтга келиб рағбатлантириш омиллари қаторига инвесторларга хизмат кўрсатиш дастури

ҳам киритилган[10]. Ушбу дастурнинг асосий мақсади инвестор фаолияти давомида кўрган даромадини яна қайта айнан шу давлатга инвестициялашга қаратилган. Бунинг учун қабул

қилувчи мамлакат ишлаб чиқаришга субсидиялар ажратиш ва молиявий кўмаклашиш ҳамда маҳнат бозорини шакллантириб, маҳсулот етказиб бериш тармоқларини ривожлантиришга қаратади[11].

**Хорижий инвестицияларни жалб қилишда ривожланган
мамлакатлар томонидан фойдаланилган рағбатлантирувчи
омиллар таснифи**

Хорижий сармояни
жалб қилишнинг
фискал рағбатлан-
тирувчи омили

Хорижий сармояни
жалб қилишнинг
молиявий рағбат-
лантирувчи омили

Хорижий сармояни
жалб қилишнинг
инвестицион
рағбатлантирувчи

1-расм. Хорижий сармояни жалб қилишнинг рағбатлантирувчи омиллари таснифи[12]

Инвесторлар ўртасида ўтказилган сўров натижасида, хорижий инвестицияларни жалб қилишда қонунчилик, сиёсий барқарорлик, мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, суд тизими самарадорлиги ва коррупциянинг паст даражаси энг асосий кўрстаклар ҳисобланади. Инвесторлар ушбу кўрсаткичларни батафсил текшириб чиққандан сўнг қиёсланган мамлакатлардаги рағбатлантирувчи чораларни солиштириб ўтади ва шундан кейингина ўзлари учун “умумий рағбатлантирувчи чоралар жамланмасини” ташкил қилувчи мамлакатни танлайдилар.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтirmay туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имкониятлар ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбop товарларни ўзлаштиришга, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади.


“Ўзбекнефгаз” акциядорлик жамияти олдига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Фармонида “иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига нефть-газ маҳсулотларини узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш ҳамда

нефть-газ соҳасида трансформация жараёнларини жадаллаштириш орқали табиий газ таъминотида ижтимоий ҳимоя кафолатлари белгиланган ҳолда бозор механизмларини жорий этиш каби бир қатор вазифалар қўйилган”[13].

“Ўзбекнефгаз” акциядорлик жамияти 2022 йилда ва ундан кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолисини нефть, газ конденсати ва табиий газни қайта ишлаш маҳсулотлари билан ритмик таъминлаш ҳамда уларни экспорт қилиш мақсадида компания йирик нефть-газ мажмуаси ҳисобланади. табиий газ, газ конденсати ва нефтни қидириш, қидириш ва қазиб олиш, уларни қайта ишлаш, қайта ишлаш маҳсулотларини сотиш ва ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва ижтимоий ривожлантириш бўйича ишларни амалга оширади. Компания маҳсулотларининг асосий турлари табиий газ, газ конденсати, суюлтирилган газ, нефть, шунингдек уларни қайта ишлаш маҳсулотлари ҳисобланади.

Айни пайтда, Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритаётган хорижий компанияларни ҳисобга олган ҳолда ҳар йили 56,0 миллиард куб метр табиий газ, 3,0 млн. тоннадан ортиқ суюқ углеводородлар барқарор ишлаб чиқарилмоқда.

Шу билан бирга, нефть-газ саноати ҳозирда мавжуд хомашёдан қимматли бутловчи қисмларни чуқур қайта ишлаш йўли билан ажратиш олиш бўйича кенг кўламли вазифаларни ҳал қилмоқда. Нефть ва газ саноатининг йирик ишлаб чиқариш объектлари орасида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Муборак ва Қандим газни қайта ишлаш мажмуалари, Шўртан ва Устюрт газ-кимё мажмуалари, GTL ва бошқалар бор. Бу саноат гигантлари замонавий нефть ва газ саноатининг асосини ташкил этади.



2-расм. Нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармалари томонидан табиий газ қазиб чиқариш[14].

Компания томонидан ишлаб чиқарилган жами газнинг 50% ни таъминловчи энг йирик бешта кон: Шўртан (24,7%), Алан (7,9%), Жанубий Кемачи (6,2%), Сомонтепа (7,3%), Зеварди (8,7%).


Табиий газ ва беқарор газ конденсатини қайта ишлаш жараёнида олинган суюлтирилган газ “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти корхоналарига етказиб бериладиган газ қуйиш шохобчалари эгалари учун ташкил этиладиган биржа аукционларида уни аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига сотиш учун сотилади.

Компания маҳсулотларининг асосий улуши мавжуд талабни қондириш учун биринчи навбатда ички бозорга етказиб берилмоқда. Шу билан бирга, ички бозорни сегментациялаш бюджет ташкилотларига, нефть маҳсулотларини тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиб олувчи ёки импорт хомашёсини комиссия шартномаси асосида қайта ишловчи республиканинг йирик стратегик

корхоналарига етказиб беришни ўз ичига олади. Компаниянинг 2020-йилда табиий газ сотиш ҳажми 30,55 миллиард куб метрга етди. 2021 йилда савдо ҳажми 30,218 миллиард куб метрни ташкил этди. Корхона қуйидаги турдаги маҳсулотларни экспорт қилади: полиэтилен, суюлтирилган газ, олтингугурт ва бошқа нефть маҳсулотлари. 2020 йилда полиэтилен экспорти ҳажми 26,0 минг тоннани, суюлтирилган газ экспорти ҳажми эса 16,0 минг тоннани ташкил этди.

2021 йилда суюлтирилган газ экспорти ҳажми 9,06 минг тоннани (Шўртан ОГП – 8,0 минг тонна, Муборак ГЕС – 1,06 минг тонна), олтингугурт 270,2 минг тоннадан иборат бўлди.


Экспорт маҳсулотларининг асосий бозорлари қуйидаги мамлакатлардир: Эрон, Польша, Болтиқбўйи мамлакатлари, Германия, Туркия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон ва бошқалар.



3-расм Жамиятнинг даромадлари[15], млрд сўмда

Компаниянинг даромади асосий фаолиятдан, бошқа фаолиятдан ва молиявий фаолиятдан олинган даромадлардан шаклланади. 2021 йилда компания

даромади 14 685 млрд. сўмни ташкил этди. Асосий маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар – 12 427 млрд. сўмни ташкил этди.



4-расм 2021 йил якуни билан соф тушумнинг таснифи[16]

Компания соф даромадининг 60% дан ортиғи газ сотишдан тушади. Даромаднинг 16,0 фоизи нефть махсулотларини сотишдан, 11,0 фоизи суюқ углеводородларни сотишдан олинади.

2021 йилда Жамиятнинг умумий харажатлари 10 793,0 млрд. сўмни ташкил этади, шу жумладан:

ишлаб чиқариш харажатлари – 4 936,0 млрд.сўм;

давр харажатлари – 4 405,0 млрд.сўм;

сўмлик молиявий фаолият харажатлари 1 452,0 млрд.

2021 йилда ишлаб чиқариш таннархининг ошиши моддий харажатларнинг ошиши, шу жумладан саноат характеридаги ишлар ва хизматлар таннархининг ошиши ҳисобига содир бўлди.

2021 йилда компаниянинг соф фойдаси 3 387,0 миллиард сўмни ташкил этди. Бозор таҳлили натижаларига кўра, 2025 йилга келиб нефть ва газ махсулотларининг ортиқча бўлиши кутилмоқда, бу эса компанияга юқори қўшилган қийматли махсулотларни қазиб олиш ва сотиш учун углеводородларни қайта ишлаш ва уларни экспорт қилишга йўналтирилиш режалаштирилмоқда.

Компаниянинг бозордаги ўрнини аниқлаш, шунингдек, мавжуд таҳдидларни аниқлаш учун SWOT таҳлили ўтказилди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, нефть-газ саноати республика иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, Компания энергия бозорида етакчи ўринни эгаллайди. Табiiй газнинг тасдиқланган захиралари ҳажми 1,881 триллион куб метрни ташкил этади, бу эса жамиятнинг хомашёга бўлган эҳтиёжини узоқ муддатда қондириш имконини беради. Махсулотларнинг кенг ассортименти ҳар хил турдаги махсулотларга талабнинг ўзгариши билан боғлиқ

хавфларни минималлаштиришга имкон беради. Компания нафақат акциядорларнинг фаровонлигини таъминлайди, балки давлат бюджетининг даромад қисмини ташкил этувчи йирик корхоналардан биридир. 2021-йил учун мамлакатимиз бюджетига солиқ тушумлари ҳажми 3,3 триллион сўмни ташкил этди.

Компания корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари, рақамли трансформация, шунингдек, халқаро консалтинг компаниялари ва молия институтларини (Ernst & Young, KPMG ва бошқалар) жалб қилган ҳолда халқаро стандартларга ўтишга асосланган янги ривожланиш йўлини белгилаб берди.

Бугунги кунда нефть ва газ саноатида жаҳон етакчилари – “Лукойл”, “Газпром”, “BP”, “Total” компаниялари, шунингдек, Корея, Хитой ва бошқалар каби мамлакатлар компаниялари билан фаол ҳамкорлик мавжуд. Ўзбекистонда углеводородларни қайта ишлаш.

Таҳлил давомида Компаниянинг камчиликлари аниқланди. Компаниянинг йирик конлари нисбатан юқори даражада ўзлаштирилганлиги (60-80%) билан тавсифланади. Бу углеводород қазиб олиш ўсиш суръатининг секинлашишига, шунингдек, қазиб олинadиган хом ашёнинг таркибий таркибининг ёмонлашишига таъсир қилади.


Жамият активларининг умумий таркибида дебиторлик қарзларининг юқори улуши айланма маблағлар айланмасининг қисқариши, шунингдек, Компания ликвидлигининг камайишига таҳдид солади.

Асосий воситаларнинг юқори даражада эскириши углеводородларнинг катта йўқотишларига,

шунингдек, ушбу асосий воситаларнинг ишлашини таъминлаш харажатларининг ошишига олиб келади.

Нефтни қайта ишлаш заводининг асосий ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаслик ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннарининг

ошишига олиб келади. Нефт маҳсулотлари тақчиллиги GTL лойиҳаси ишга туширилгандан сўнг дизель ёқилғиси ва керосин ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобига қисман қопланади.



5-расм. Қайта ишланган нефть маҳсулотлари нархларининг ўзгариши динамикаси[17], 2021 йил январь, 2022 йил сентябрь.

Ушбу расмдан кўринадики, нефт маҳсулотлари нархлари қимматлашининг асосий омили, биржа нархларининг шаклланиш тартиби ҳамда нархларни тартибга солувчи ташкилотлар (органлар) томонидан янги жорий қилинган нархларнинг амалда тадбиқ қилинишидир. Йил давомида мазутнинг нархи ўртача 6,1 баробарга, реактив ёқилғи 4,8 баробарга, вазелин, нефть парафини 2,9 баробарга, ёғлаш учун нефть мойлари 2,1 баробарга, керосин 63,2 % га, бензин 57,7 % га, суюлтирилган пропан ва бутан 15,6 % га, дизель ёқилғиси 1,3 % га қимматлашди.

Мамлакатимизда 2021 йилда инвестициянинг ҳажми 125,2 фоизни ташкил қилди, инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши 22,9 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион

фаолиятини янада жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуrollантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва шу асосда миллий иқтисодиётимизни барқарор ва жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида республика бюджетидан катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда.

Инвестиция бозори инфратузилмасини шакллантиришда иқтисодий субъектларнинг инвестиция ва молиявий эҳтиёжларига хизмат кўрсатиш бўйича кенг имкониятларга эга бўлган тижорат банклари, банкдан ташқари молиявий ташкилотлар, инвестиция фондлари ва бошқа молиявий воситачилар муҳим роль ўйнайди.

такомиллаштиришни, инвестицияларни кўпроқ самарали ва рақобатдош ишлаб чиқаришларга йўналтиришни кўзда тутаяди.

Демак, мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши барқарор ва

Хулоса ва таклифлар

Инвестиция сиёсати нафақат капитал маблағлар миқёсини оширишни, балки уларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини

мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш ҳамда жадал тараққиётга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Мамлакатимиз ёқилғи саноатига киритилган инвестициялар мамлакатимизда кейинги йилларда нафақат ёқилғи саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларини тезлаштиришга, балки мамлакатимиз ҳудудларида янгидан-янги саноат мажмуаларининг ташкил топишига, янгидан янги иш ўринларининг яратилишига ҳамда аҳоли жон бошига ёқилғи саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига катта таъсир кўрсатади. Бугунги кунда мамлакатимиз саноатининг бошқа тармоқларига нисбатан тез ривожланиб бораётган ёқилғи саноатида инвестицион жозибадорлик ортиб бормоқда. Мамлакатимиз ёқилғи саноатига жалб қилиниётган инвестициялар ҳажмининг ортиб бориши натижасида тармоқнинг ишлаб чиқариш даражаси ва самарадорлиги ўсиши таъминланмоқда. Тармоқ ишлаб чиқариш даражаси юқори бўлиши мамлакатимиз иқтисодиётида саноат ва бошқа соҳаларнинг ривожланишига, республикамиз саноат салоҳиятининг кучайишига ҳамда аҳоли турмуш шароитининг яшиланишига олиб келади. Ёқилғи саноати корхоналарининг фаолият юритиши шароитларини янада такомиллаштириш, тармоққа киритилаётган инвестицияларни самарали қайта тақсимлаш, мамлакат ёқилғи саноатини ривожлантиришнинг ички манбаларини ва захираларини фаоллаштиришга қодир қайта ишлаш тизимини ташкил этиш муҳим масалалардан бирига айланмоқда.

Ҳозирда республикамиз нефт-газ соҳасида модернизациялашув замонавий характерга эга бўлган ёқилғи саноати корхоналарини фаолияти самарадорлигини кўриш мумкин:

- нефт ва газ тармоғини замонавий техникалар билан жиҳозлаш, энг илғор технологиялардан фойдаланиш натижасида маҳсулот рентабеллигини ошириш;

- тармоқда тайёр саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;

- ёқилғи саноати корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш ва хориж тажрибалари асосида кадрлар малакасини оширишга янада кўпроқ эътибор қаратиш;

- хорижий инвестицияларни нафақат нефт ва газни қазиб олиш балки, уларни қайта ишлашга ҳам жалб қилиш керак.

- миллий нефт ва газ секторини ривожлантиришда хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни ривожлантириш билан бирга, маҳаллий компанияларимизнинг инвестицион қобилиятини ошириш керак.

- қисқа муддатларда иқтисодий ривожланишни нефт ва газ хом-ашёларини қазиб олиш ва уларнинг экспортига боғлиқлик даражасини камайтириш лозим.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда энергетика соҳасининг ривожланиши учун барча асослар етарли. Углеводород ресурслари қазиб олиш ва экспорти

миқдори йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Минтақа энергетика саноатига чет эл инвестициясини жалб қилиш бўйича ҳам яхши муҳит яратилган. Келажакда юртимиз энергетикасини ривожини учун минтақа давлатларидан энергетика масалаларида яқиндан ҳамкорлик талаб қилинади. Ўзбекистонда энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш ва соҳани такомиллаштиришга хорижий инвенторларни кенг жалб қилиш бу мамлакат иқтисодиётининг янада ривожланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. http://www.worldforumforfdi.com/countries_and_attendees.cfm
2. www.ccsezt.org/eindex.php -China Center for Special Economic Zone Research, Shenzhen University, 2015
3. Алексеев А.В., Кузнецова Н.Н. Современные инвестиционные приоритеты в российской промышленности. //ЭКО, № 4, 2018
4. Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2014 йил, 5-сон, 21-бет.
5. Цветков В. Подкрепить инновационное развитие промышленной политикой. // Экономист, № 3, 2014, 37-б.
6. Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари. / Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон, 38-бет.
7. Алексеев А.В., Кузнецова Н.Н. Современные инвестиционные приоритеты в российской промышленности. //ЭКО, № 4, 2017
8. Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2014 йил, 5-сон. 45-б.
9. Жаҳон банкининг 2000-2020 йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида
10. <https://www.wbginvestmentclimate.org/advisory-services/investment-generation/investment-policy-and-promotion/investor-servicing-and-aftercare.cfm>
11. http://www.harvardilj.org/wp-content/uploads/2010/09/HILJ_51-2_Salacuse
12. Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2014 йил, 5-сон. 61-бет.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
14. “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти маълумотларига асосланиб муаллиф томонидан тузилган.
15. “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти маълумотларига асосланиб муаллиф томонидан тузилган.
16. “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти маълумотларига асосланиб муаллиф томонидан тузилган.

17. <http://www.stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси статистика Қўмитаси веб саҳифаси маълумотларига асосланиб муаллиф томонидан тузилган.